



**1-МОДУЛЬ.**  
**САЙЛОВНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ**  
**ВА САЙЛОВГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК**

**1.1. Илова**




Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.


***(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 117-модда)***

## 1.2. Илова

### *2019 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари:*



#### *Сайловларнинг ҳуқуқий асослари.*



#### *Сайлов кодексини қабул қилиш зарурати:*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларидан иборат бўлсада, афсуски, ҳанузгача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганлигини таъкидлаб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш** вазифасини қўйган эдилар.

### *Сайлов кодексидаги янгиликлар:*

✓ Қонунчилик палатасида Экоҳаракат вакиллари учун квота ажратиш институти тугатилди;

✓ Номзодларни халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатиш тартиби бекор қилинди;

✓ Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини юритиш тартиби қонуна тартибга солинади;

✓ Сиёсий партиялар томонидан имзо йиғишда сайловчилар томонидан бир қанча партияларни ёқлаб имзо қўйиш имконияти берилди;

✓ Сайлов участкаларида участка сайлов комиссиясининг овозларни санаш тўғрисидаги баённомасининг зудлик билан жамоатчилик муҳокамаси учун 48 соатдан кам бўлмаган вақтга илиб қўйиш тартиби ўрнатилди;

✓ Участка сайлов комиссияларининг овоз бериш жараёни тугагандан кейин амалга оширадиган аниқ ҳаракатлари назарда тутилмоқда (овозларни санаш, баённомаларни тузиш, округ сайлов комиссиялари билан ўзаро алоқалари ва х.к);

✓ Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди;

✓ Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида муҳокама этиладиган ва тавсия этиладиган участка сайлов комиссиялари аъзолари номзодлари бўйича жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг таклифлари олиниши тартиби ўрнатилди;

✓ Сайлов округларини тузишда сайлов округларидаги сайловчилар сонининг йўл қўйиладиган энг кўп четга чиқиши ўн фоиздан ошмаслиги тартиби ўрнатилди;

✓ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилди;

✓ Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга сайлов бир вақтда ўтказилган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари томонидан ягона сайлов участкалари тузиш тартиби ўрнатилди;

✓ Сайловларда овоз бериш вақти 08:00 дан 20:00 гача этиб белгиланди;

✓ Сайловчилар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида сайловчиларнинг рўйхати тўғрисидаги ўзи учун керакли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлади ва бошқалар.

## 1.6. Илова

Назорат саволлари:
1. Ўзбекистонда сайлов жараёнларини ўтказишда амалда бўлган сайлов тизимига тўхталиб ўтсангиз.
_____
_____
_____
2. Ўзбекистонда сайловлар қонунчиликка кўра қайси муддатда бўлиб ўтади?
_____
_____
_____
3. Бу йилги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда сиёсий партияларнинг иштирокига тўхталиб ўтинг.
_____
_____
_____
4. Жорий йилда давлат ҳокимияти вакилик органларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг ўзига хос жиҳатларига тўхталинг.
_____
_____
_____
5. Сайловларда фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқини янада кафолатлаш мақсадида, фуқаролар учун қандай зарурий шарт - шароитлар яратиб берилган?
_____
_____
_____

## 1.7.Илова

*Олинган билимларни мустаҳкамлаш учун назорат тест саволлари:*

**1. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сайлов кодексини қабул қилиш зарурати ҳақида қайси йиғилишда тўхталиб ўтган эди?**

А) 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси йиғилишида.

В) 2018 йилдаги Конституция қабул қилинганлигининг 26 йиллигидаги маърузасида.

С) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталари олдида қасамёд қабул қилиш тадбирида.

Д) 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси йиғилишида.

**2. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод қандай маълумот турига эга бўлиши керак?**

- А) Олий маълумотли
- В) Ўрта махсус маълумотли
- С) Маълумоти белгиланмаган
- Д) Қоида тариқасида, олий маълумотли

**3. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар нечтагача ишончли вакил олиш ҳуқуқига эга?**

- А) 5 тагача
- В) 10 тагача
- С) 3 тагача
- Д) Хоҳлаганча ўзи белгилайди

**4. Ўзбекистонда сайлов тизимининг қайси тури қўлланилади?**

- А) Аралаш
- В) Пропорционал
- С) Мажоритар
- Д) Мажоритар, аралаш

**5. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига номзод кўрсатиш ёшини аниқланг?**

- А) 25 ёш
- В) 20 ёш
- С) 23 ёш
- Д) 21 ёш

**1.8.Илова**

### **ГЛОССАРИЙ**

**АКТИВ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ** – Бу сайлаш ҳуқуқи бўлиб, ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз вакилларини сайлаш билан иштирок этишини назарда тутати.

**ПАССИВ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ** – Бу сайланиш ҳуқуқи бўлиб, фуқаронинг ўз номзодини сиёсий партиялар орқали тегишли вакиллик органларига кўрсатиш тартиби тушунилади.

**САЙЛОВ ТИЗИМИ** – Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими деганда, кенг маънода Олий ҳокимият вакиллик органлари ҳамда маҳаллий вакиллик органларини шакллантириш тартиби тушунилади. Тор маънода мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимларига бўлинади. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими мажоритар сайлов тизимига асосланган.

**САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ** – Сайлов ҳуқуқи принциплари дейилганда сайлов жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган устувор қоидалар йиғиндиси тушунилади. Сайлов ҳуқуқининг асосий принципларига қуйидагилар киради: умумий сайлов ҳуқуқи принципи; тенг сайлов ҳуқуқи принципи; тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи; яширин овоз бериш ҳуқуқи принципи.

**ОШКОРАЛИК ПРИНЦИПИ** – Бу сайловларнинг очикдан очик, сайлов вақти ва овоз бериш жойлари олдиндан эълон қилинган ҳолда ўтказилиши ва унинг бориши ва натижалари ҳақида ахборот берилиши тушунилади. Ҳар бир фуқаро сайловларнинг бориши ҳақида хабардор бўлишга ва ўзининг сайловчилар рўйхатига кирганлигини текширишга ҳақли.

**АДОЛАТЛИЛИК ПРИНЦИПИ** – Бу принцип сайлов жараёнларида барча сайловчилар учун ҳам, номзодлар учун ҳам бир хил шароитларнинг яратилишида ўз аксини топади. Адолатлилик принципини таъминлаш мақсадида ҳамма номзодларга ташвиқот юритиш учун бир хил вақт ажратилади, бир хил шароит яратилади ва ҳоказолар.

**ЁШ ЦЕНЗИ** – Сайловлардаги ёш цензи фуқароларнинг сайловда иштирок этишлари учун муайян, қонунда белгиланган ёшга етишлари талаб этилишидир. Масалан: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида 25 ёш; Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод сифатида 21 ёш этиб белгиланган

**САЙЛОВ МАДАНИЯТИ** – Сайлов маданияти деганда, сайловчиларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан оқилона фойдаланиб, сайловларда фаол иштирок этиши, шунингдек уларнинг ҳамда сайлов ташкилотчиларининг сайловларни ўтказиш, унда қатнашиш ва овоз бериш чоғида амалдаги қонунларга, ўрнатилган тартибларга амал қилиши, сайлов қатнашчиларининг бир бирларини ҳурмат қилиши тушунилади.